



« 16 » сентябрь 20 19 у.

№ 775

Toshkent sh.

**Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасини
янада такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг асоси этиб қабул қилинсин ва Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш асоси сифатида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасидан фойдаланувчи ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб, қўлланилаётган тариф коэффициентлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида” 2018 йил 13 октябрдаги ПФ–5553-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқиладиган давлат бошқаруви органлари, бюджет ва давлат ташкилотларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш концепцияси лойиҳасида қуйидагиларни назарда тутсин:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорини ва уларни моддий рағбатлантиришнинг бошқа турларини аниқлашга ягона услубий ёндашувни;

айрим вазирлик ва идоралар учун тариф ставкаларига ошиб борувчи коэффициентлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича гуруҳлари белгиланиши натижасида вазирликлар ва идоралар, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари ўртасида меҳнатга ҳақ тўлашда айни вақтда мавжуд бўлган табақалашувни бекор қилишни;

моддий рағбатлантириш миқдорларининг ходим фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларига, унинг билим ва кўникмаларига,

бажарадиган меҳнат функцияларининг мураккаблиги ва жавобгарлиги даражасига бевосита боғлиқлигини белгилашни.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил «16» сентябр даги
775 -сон қарорига 1-илова

Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
1	1,000
2	1,053
3	1,106
4	1,158
5	1,269
6	1,384
7	1,505
8	1,630
9	1,755
10	1,883
11	2,014
12	2,148
13	2,284
14	2,421
15	2,561
16	2,704
17	2,847
18	2,993
19	3,141
20	3,292
21	3,444
22	3,597

Изоҳ. Тариф ставкаси миқдорини (лавозим маошини) белгилаш учун тариф коэффициенти меҳнатга ҳақ тўлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдорига кўпайтирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 16 сентябр даги 775-сон
қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айрим қарорларига киритилган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 йил, 12-сон, 64-модда):

а) 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва
фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг
ТАРИФ СЕТКАСИ**

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
1	1,526
2	1,679
3	1,847
4	2,031
5	2,234
6	2,458
7	2,704
8	3,001
9	3,331
10	3,698
11	4,067

Изоҳ. Тариф ставкаси миқдорини (лавозим маошини) белгилаш учун тариф коэффициентини меҳнатга ҳақ тўлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдорига кўпайтирилади»;

б) 2-иловаданинг 3-бандидаги “энг кам ойлик миқдорини” сўзлари “меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ободонлаштириш ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 1 прелдаги 91-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 йил, 4-сон, 24-модда):

а) 1-илованинг матни куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ тариф сеткаси

Лавозимлар номи	Биринчи гуруҳ Нукус шаҳри ва вилоят марказлари — шаҳарлар ободонлаштириш бошқармалари	Иккинчи гуруҳ Шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари
Бошқарув ходимлари ва муҳандис-техник ходимлар		
Бошқарма бошлиғи	2,577	2,416
Бошқарма бошлиғи ўринбосари	2,416	х
Бош муҳандис	2,416	2,26
Бўлим (кадрлар бўлиmidан ташқари), хизматлар, участка бошлиғи	2,106	1,956
Бош бухгалтер	2,26	1,956
Бош иқтисодчи, бош агроном, бош механик, ландшафт бўйича бош дизайнер	2,106	х
Кадрлар бўлими бошлиғи	1,805	1,661
Етакчи мутахассислар: муҳандис (барча мутахассисликлар бўйича), агроном, иқтисодчи, бухгалтер, механик, ландшафт бўйича муҳандис, вертикал режалаштириш ва йўл қопламалари бўйича лойиҳаловчи, дендролог, ишлаб чиқувчи дизайнер, лойиҳаловчи электрик, сув таъминоти бўйича лойиҳаловчи	1,805	х
Мутахассислар: муҳандислар ва техниклар (барча мутахассисликлар бўйича), архитектор, агроном, иқтисодчи, бухгалтер, механик, диспетчер, безатувчи расом, юридик маслаҳатчи	1,661	1,661
Асосий ишлаб чиқариш ходимлари		

Участка мастери	1,805	1,661-1,805
Бригадирлар	1,661	1,661
6-разрядли ишчилар: электр-газ пайвандловчи, электр асбоб-ускуналарини таъмирлайдиган ва уларга хизмат кўрсатадиган электр монтёрлари, созловчи-механик, таъмирловчи чилангар, токаръ	1,661	x
5-разрядли ишчилар: электрик, электр ускуналарини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш электромонтёри, электр газ пайвандловчи, газ пайвандловчи, барча турдаги чилангарлар (жумладан автотранспорт чилангарлари), насос қурилмалари машинисти, токаръ, юк ва махсус автомобиллар 1-класс ҳайдовчилари, созловчи механик, тракторчи, бульдозерчи, асфальтбетончи	1,522	1,522
4-разрядли ишчилар: электрик, электр ускуналарини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш электромонтёри, электр газ пайвандловчи, газ пайвандловчи, барча турдаги чилангарлар (жумладан автотранспорт чилангарлари), токаръ, ўзиюар механизациялашган қурилма ва транспорт йиғиштириш машиналари машинисти (ҳайдовчиси), стропалчи, насос қурилмалари машинисти, созловчи механик, тракторчи, бульдозерчи, асфальтбетончи, дурадгор, юк ва махсус автомобиллар 2-класс ҳайдовчилари, кўкаламзорлаштирувчи (кўкаламзорлаштириш хўжалиги ишчиси), қабристон назоратчиси, ирригатор	1,39	1,39
3-разрядли ишчилар: электрик, электр ускуналарини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш электромонтёри, электр газ пайвандловчи, газ пайвандловчи, барча турдаги чилангарлар (жумладан автотранспорт чилангарлари), ўзиюар механизациялашган қурилма ва транспорт йиғиштириш машиналари машинисти (ҳайдовчиси), стропалчи, насос қурилмаси машинисти, электромоторлар моторчиси, созловчи механик, токаръ, тракторчи, бульдозерчи, асфальтбетончи, дурадгор, юк ва махсус автомобиллар 3-класс ҳайдовчилари, кўкаламзорлаштирувчи (кўкаламзорлаштириш хўжалиги ишчиси), боғбон, ирригатор (ариқ ва дренаж тизимини қуриш ва таъмирлаш ишчиси), мироб (ариқ-дренаж тизимига сув беришни тартибга солувчи ишчи), ташқи безак ишчиси, қабристон назоратчиси, маросим хизматлари ишчиси, ҳудудларни қўлда йиғиштирувчи фаррош, парклар ва боғлардаги ҳожатхоналар фарроши, дайди ҳайвонларни тутувчи ишчилар	1,264	1,264
2-разрядли ишчилар: электрик, электр ускуналарини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш электромонтёри, аккумуляторчи, электр газ пайвандловчи, газ	1,149	1,149

пайвандловчи, барча турдаги чилангарлар (жумладан автотранспорт чилангарлари), ўзиюрар механизациялашган қурилма ва транспорт йиғиштириш машиналари машинисти (ҳайдовчиси), стропалчи, насос қурилмаси машинисти, созловчи механик, электромоторлар моторчиси, токаръ, тракторчи, бульдозерчи, асфальтбетончи, дурадгор, кўкаламзорлаштирувчи (кўкаламзорлаштириш хўжалиги ишчиси), боғбон, ирригатор (ариқ ва дренаж тизимини қуриш ва таъмирлаш ишчиси), мироб (ариқ-дренаж тизимига сув беришни тартибга солувчи ишчи), ташқи безак ишчиси, маросим хизматлари ишчиси, худудларни қўлда йиғиштирувчи фаррош, парклар ва боғлардаги ҳожатхоналар фарроши, дайди ҳайвонларни тутувчи ишчилар		
1-разрядли ишчилар: авточилангар, аккумуляторчи, электр газ пайвандловчи, газ пайвандловчи, электромоторлар моторчиси, кўкаламзорлаштирувчи (кўкаламзорлаштириш хўжалиги ишчиси), ирригатор (ариқ ва дренаж тизимини қуриш ва таъмирлаш ишчиси), худудларни қўлда йиғиштирувчи фаррош, қабристон қоровули, дайди ҳайвонларни тутувчи ишчилар	1,044	1,044
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар		
Кассир, омбор мудир	1,112	1,011
Раҳбарнинг котибаси	1,218	x
Енгил автомобиль ҳайдовчиси	1,0 – 1,011	x
Қоровул	1,0	1,0
Бинони йиғиштирувчи	1,0	1,0
Ҳар хил ишларни бажарувчи ишчи	1,0	1,0

Изоҳ. Лавозимлар ва касблар (мутахассисликлар) рўйхати, шунингдек ишчиларнинг талаб қилинадиган малака разрядлари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари билан келишган ҳолда бошқарма фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб штат жадвалида белгиланади”;

б) 2-илованинг 7-бандидаги “энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига” сўзлари «меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳрини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 11 ноябрдаги 251-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 йил, 46-сон, 414-модда):

а) 5-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**“Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармаси ҳамда
Мустақиллик майдонини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва сақлаш
департаменти, шунингдек ихтисослаштирилган бошқармалар ходимлари меҳнатига
ҳақ тўлаш бўйича тармоқ
ТАРИФ СЕТКАСИ**

Лавозим ва касблар номи		Тариф коэффициенти
Бошқарув ходимлари		
1.	Ободонлаштириш бош бошқармаси (ОББ) бошқарувчиси	3,512
2.	Ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчисининг биринчи ўринбосари	3,407
3.	Ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчиси ўринбосари	3,337
4.	Ободонлаштириш бош бошқармаси бош бухгалтери, бош иқтисодчиси	3,277
5.	ОББ йўл-кўприк хўжалигини мукамал таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича бош мутахассис (бўлим бошлиғи), ОББ ихтисослаштирилган бошқармалари бошлиқлари, Мустақиллик майдонини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва сақлаш департаменти директори, ландшафт бўйича бош дизайнер (гуруҳ бошлиғи)	3,217
6.	ОББ бўлимлари бошлиқлари(кадрлар бўлиmidан ташқари)	3,026
7.	Ихтисослаштирилган бошқармалар ва департамент бош муҳандислари, бошлиқлар ўринбосарлари	3,026
8.	ОББ кадрлар бўлими бошлиғи, ОББ юридик маслаҳатчиси, ОББ етакчи мутахассислари, ОББ етакчи бухгалтерлари, ландшафт бўйича бош муҳандис, вертикал режалаштириш ва йўл қопламалари бўйича лойиҳаловчи, дендролог, ишлаб чиқувчи дизайнер, лойиҳаловчи электрик, сув таъминоти бўйича лойиҳаловчи	2,855
9.	Ихтисослаштирилган бошқармалар ва департамент бош мутахассислари, бош агрономи, бош бухгалтерлари ва режа-иқтисодиёт бўлимлари бошлиқлари	2,855
10.	Ихтисослаштирилган бошқармалар ва департамент бўлимлари бошлиқлари, участка бошлиқлари (кадрлар бўлими бошлиғидан ташқари)	2,685
11.	ОББ умумий бўлими бошлиғи, ОББ мутахассислари	2,517
12.	Ихтисослаштирилган бошқармалар ва департамент кадрлар бўлими бошлиқлари, бош энергетиклари, бош механиклари, автоколонналар бошлиқлари, етакчи мутахассислари	2,354
13.	Ихтисослаштирилган бошқармалар ва департамент юридик маслаҳатчилари, хизматлар бошлиқлари, 1-тоифали бухгалтерлари, 1-тоифали муҳандислари	2,194
14.	Ихтисослаштирилган бошқармалар ва департамент мутахассислари (муҳандис, иқтисодчи, бухгалтер, безатувчи, флородизайнер, агроном ва бошқалар), кадрлар бўлими инспекторлари, дайди ҳайвонларни тутиш бўйича ихтисослаштирилган механизациялашган отряд бошлиғи	2,037
15.	ОББ инспекторлари	2,194

16.	Ихтисослаштирилган бошқармалар ва департаментнинг 2-тоифали муҳандиси, 2-тоифали бухгалтери, электромеханиги, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги мутахассиси, кадрлар бўлимининг 2-тоифали инспектори	1,881
Ишлаб чиқариш ходимлари		
17.	Участка мастери, бригадир, катта диспетчер, катта мастер	1,881
18.	Авария бригадаси ишчиси, ишчи-безатувчи, автокран машинистлари, насос қурилмаси, экскаватор ва компрессор машинисти, шиналарни ҳисобга олиш техниги, электр-газ пайвандловчи, ЁММ оператори, автотранспорт назоратчиси, ветеринар врач, омбор мудир, ҳайдовчи, таъмирловчи-чилангар, электрик, кўкаламзорлаштирувчи ишчи, шох-пабба кесувчи, шлангчи-пурковчи, майса ўрувчи (кичик механизация ишчиси), йўл ишчиси, токар, ирригатор, автотранспорт диспетчери	1,730
19.	Авария бригадаси ишчиси, автокран машинисти, насос қурилмаси, экскаватор ва компрессор машинисти, автотранспортни таъмирловчи чилангар, автоэлектрик, моторчи, токар, ободонлаштириш ишчиси, кўкаламзорлаштириш ишчиси, майса ўрувчи, шлангчи-пурковчи, сувчи-чилангар, сув қувури чилангари, йўл ишчиси, таъмирловчи-чилангар, тракторчи, электромонтёр, ҳайдовчи, электр-газ пайвандловчи, экспонатлар сақловчиси, ирригатор, диспетчер, электрик	1,586
20.	Авария бригадаси ишчиси, ободонлаштириш ишчиси, ҳайдовчи, автобус ҳайдовчиси, автотранспортни таъмирловчи чилангар, вулканизатор, аккумуляторчи, пайвандловчи, дайди ҳайвонларни тутиш ишчиси, ҳайвонлар мурдаларини йиғувчи, ЁММни қуювчи, кўкаламзорлаштириш ишчиси, сувчи-чилангар, таъмирловчи-чилангар, майса ўрувчи, агротехник, электромонтёр, қутқарувчи, тракторчи, токар, электр-газ пайвандловчи, электрик, ирригатор, насос қурилмаси машинисти	1,447
21.	Авария бригадаси ишчиси, ҳайдовчи, канал тозалаш ва балчиқ тортиш оператори, токар, автотранспортни таъмирлаш бўйича пайвандловчи-чилангар, электромонтёр, мисгар, кўкаламзорлаштириш ишчиси, сувчи-чилангар, йўл ишчиси, тракторчи, насос қурилмаси машинисти, ер қавловчи, ҳудуд фарроши, электр-газ пайвандловчи, таъмирловчи-чилангар, ирригатор, ёрдамчи (қўшимча) ишчи	1,316
22.	Енгил автомобиль (ишлаб чиқаришга мўлжалланган) ҳайдовчиси, ҳудуд фарроши, сувчи-чилангар, таъмирловчи-чилангар, ёрдамчи (қўшимча) ишчи, гидроиншоотлар қўриқчиси, каналлар назоратчиси, насос қурилмаси машинисти	1,196
Техник ходимлар		
23.	ОББ диспетчери	1,881
24.	Омбор мудир, кассир, тиббий ҳамшира, хўжалик мудир, дам олиш ҳудуди мудир	1,596 — 1,881
25.	Иш юритувчи, диспетчер, курьер, раҳбар котиби, машинистка	1,447
Хизмат кўрсатувчи ходимлар		
26.	Раҳбарнинг енгил автомобили ҳайдовчиси	1,316
27.	Сантехник	1,196
28.	Қоровул, вахтёр, ташкилот бинolari ва ҳудудлари фарроши	1,0 — 1,053

Изоҳ. Тариф ставкаси миқдорини (лавозим маошини) белгилаш учун тариф коэффициентни меҳнатга ҳақ тўлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдорига кўпайтирилади”;

б) 5-илованинг матни куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Тошкент шаҳри туманлари ободонлаштириш бошқармалари ва Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича тармоқ тариф сеткаси

Т/р	Лавозимлар номи	Тариф коэффициенти
Бошқарув ходимлари ва муҳандис-техник ходимлар		
1.	Бошқарма бошлиғи	3,217
2.	Бошқарма бошлиғи ўринбосари	3,026
3.	Бош муҳандис	3,026
4.	Бўлим (кадрлар бўлиmidан ташқари), хизматлар, участка бошлиғи	2,685
5.	Бош бухгалтер	2,855
6.	Бош иктисодчи, бош агроном, бош механик, ландшафт бўйича бош дизайнер	2,855
7.	Кадрлар бўлими бошлиғи	2,354
8.	Етакчи мутахассислар: муҳандис (барча мутахассисликлар бўйича), агроном, иктисодчи, бухгалтер, механик, ландшафт бўйича муҳандис, вертикал режалаштириш ва йўл қопламалари бўйича лойиҳаловчи, дендролог, ишлаб чиқувчи дизайнер, лойиҳаловчи электрик, сув таъминоти бўйича лойиҳаловчи	2,354
9.	Мутахассислар: муҳандислар ва техниклар (барча мутахассисликлар бўйича), архитектор, агроном, иктисодчи, бухгалтер, механик, диспетчер, безатувчи рассом, юридик маслаҳатчи	2,037
Асосий ишлаб чиқариш ходимлари		
10.	Участка мастери, бригадир, катта диспетчер, катта мастер	1,881
12.	5-разрядли ишчилар: электрик, электр ускуналарини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш электромонтёри, электр газ пайвандловчи, газ пайвандловчи, барча турдаги чилангарлар (жумладан автотранспорт чилангарлари), насос қурилмалари машинисти, токаръ, юк ва маҳсус автомобиллар 1-класс ҳайдовчилари, созловчи механик, тракторчи, бульдозерчи, асфальтбетончи.	1,730
13.	4-разрядли ишчилар: электрик, электр ускуналарини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш электромонтёри, электр газ пайвандловчи, газ пайвандловчи, барча турдаги чилангарлар (жумладан автотранспорт чилангарлари), токаръ, ўзиюрар механизациялашган қурилма ва транспорт йиғиштириш машиналари машинисти (ҳайдовчиси), стропалчи, насос қурилмалари машинисти, созловчи механик, тракторчи, бульдозерчи, асфальтбетончи, дурадгор, юк ва маҳсус автомобиллар 2-класс ҳайдовчилари, кўкаламзорлаштирувчи (кўкаламзорлаштириш хўжалиги ишчиси), қабристон назоратчиси, ирригатор.	1,586

14.	3-разрядли ишчилар: электрик, электр ускуналарини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш электромонтёри, электр газ пайвандловчи, газ пайвандловчи, барча турдаги чилангарлар (жумладан автотранспорт чилангарлари), ўзиюар механизациялашган қурилма ва транспорт йиғиштириш машиналари машинисти (ҳайдовчиси), стропалчи, насос қурилмаси машинисти, электромоторлар моторчиси, созловчи механик, токаръ, тракторчи, бульдозерчи, асфальтбетончи, дурадгор, юк ва махсус автомобиллар 3-класс ҳайдовчилари, кўкаламзорлаштирувчи (кўкаламзорлаштириш хўжалиги ишчиси), боғбон, ирригатор (арик ва дренаж тизимини қуриш ва таъмирлаш ишчиси), мироб (арик-дренаж тизимига сув беришни тартибга солувчи ишчи), ташқи безак ишчиси, қабристон назоратчиси, маросим хизматлари ишчиси, ҳудудларни қўлда йиғиштирувчи фаррош, парклар ва боғлардаги ҳожатхоналар фарроши, дайди ҳайвонларни тутувчи ишчилар.	1,447
15.	2-разрядли ишчилар: электрик, электр ускуналарини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш электромонтёри, аккумуляторчи, электр газ пайвандловчи, газ пайвандловчи, барча турдаги чилангарлар (жумладан автотранспорт чилангарлари), ўзиюар механизациялашган қурилма ва транспорт йиғиштириш машиналари машинисти (ҳайдовчиси), стропалчи, насос қурилмаси машинисти, созловчи механик, электромоторлар моторчиси, токаръ, тракторчи, бульдозерчи, асфальтбетончи, дурадгор, кўкаламзорлаштирувчи (кўкаламзорлаштириш хўжалиги ишчиси), боғбон, ирригатор (арик ва дренаж тизимини қуриш ва таъмирлаш ишчиси), мироб (арик-дренаж тизимига сув беришни тартибга солувчи ишчи), ташқи безак ишчиси, маросим хизматлари ишчиси, ҳудудларни қўлда йиғиштирувчи фаррош, парклар ва боғлардаги ҳожатхоналар фарроши, дайди ҳайвонларни тутувчи ишчилар.	1,316
16.	1-разрядли ишчилар: авточилангар, аккумуляторчи, электр газ пайвандловчи, газ пайвандловчи, электромоторлар моторчиси, кўкаламзорлаштирувчи (кўкаламзорлаштириш хўжалиги ишчиси), ирригатор (арик ва дренаж тизимини қуриш ва таъмирлаш ишчиси), ҳудудларни қўлда йиғиштирувчи фаррош, қабристон қоровули, дайди ҳайвонларни тутувчи ишчилар.	1,196
Техник ходимлар		
17.	Кассир	1,596 — 1,881
18.	Раҳбар котибаси	1,447
Хизмат кўрсатувчи ходимлар		
19.	Омбор мудир	1,596 — 1,881
20.	Енгил автомобиль ҳайдовчиси	1,316
21.	Қоровул, бинолар фарроши	1,0 — 1,053

Изоҳ: лавозимлар ва касблар (мутахассисликлар) рўйхати, шунингдек ишчиларнинг талаб қилинадиган малака разрядлари туманлар ободонлаштириш бошқармалари ва Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар ҳудудий молия органлари билан келишилган ҳолда штатлар жадвалида белгиланади. Тариф ставкаси миқдорини (лавозим маошини) белгилаш учун тариф коэффиценти меҳнатга ҳақ тўлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдорига кўпайтирилади”.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 й 16 сентябр даги 775-сон
қарорига 3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2012 йил 11 январдаги 6-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 йил, 1-сон, 2-модда) илованинг 6-банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2009 йил 21 июлдаги 206-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 йил, 7-сон, 57-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасига ўзгартириш киритиш ҳақида” 2019 йил 18 январдаги 47-сон қарорининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2019 йил, 1-сон, 47-модда).